

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.07/30.12.2019.Үн.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЯКОВЕНКО АЛЕКСЕЙ АЛЕКСЕЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ  
ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МУАММОЛАРИ ВА  
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.  
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Яковенко Алексей Алексеевич**

Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари ва истиқболлари ..... 3

**Яковенко Алексей Алексеевич**

Проблемы и перспективы гражданско-правового регулирования электронной коммерции в Республике Узбекистан ..... 23

**Yakovenko Alexey Alekseevich**

Problems and prospects of civil law regulation of e-commerce in the Republic of Uzbekistan ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЯКОВЕНКО АЛЕКСЕЙ АЛЕКСЕЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ  
ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МУАММОЛАРИ ВА  
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.  
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Уб661 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tsul.uz](http://www.tsul.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қараходжаева Дилором Мамировна**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Раҳмонкулова Нилуфар Ходжи-Ақбаровна**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Яқубов Ахтам Нусратиллоевич**  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши**  
хузуридаги Судьялар олий мактаби

Диссертация химояси Тошкент давлат юридик университети хузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019 Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 9 апрель соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1035-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар Амир Темур кўчаси 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2022 йил 24 март куни тарқатилди.

(2022 йил 24 мартдаги 8-рақамли реестр баённомаси).



**И.Р. Рустамбеков**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, юридик  
фанлар доктори, профессор

**Д.Ю. Хабибуллаев**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби, юридик  
фанлар номзоди, профессор

**С.С. Гулямов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш хузуридаги  
Илмий семинар раиси, юридик  
фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ахборот технологияларининг ривожланиши хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар мазмуни ва бизнес юритиш механизмларини жиддий ўзгартирди. Халқаро ҳисоботларга кўра, 2021 йил бошида электрон тижорат дунёдаги чакана савдо умумий ҳажмининг 17,5 фоизини ташкил қилган бўлса, электрон тижорат айланмаси 4 триллион АҚШ доллариغا етди<sup>1</sup>. Бундан ташқари, пандемия ҳолати электрон бозорнинг йилига 32%гача кенгайишига олиб келди<sup>2</sup>. Электрон савдо улушининг ўсиши муносабати билан унинг норматив-ҳуқуқий таъминлаш зарурияти янада ортди. Бу жараёнларда самарали ҳуқуқий ечимлар тадбиркорлик субъектлари ва истеъмолчиларнинг товарларни электрон шаклда харид қилиш амалиётида мослашувчанликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Дунёда пандемия даврида электрон тижоратнинг ривожланиши, ушбу институтнинг бир қатор сегментлари учун янги савдо каналларини ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, электрон тўловларни амалга оширишни ҳуқуқий таъминлаш хусусиятлари<sup>3</sup>, смарт контрактлар, крипто-валюталар, NFT, иқтисодий фаолиятда сунъий интеллектнинг иштироки каби электрон тижоратнинг янги институтлари ҳуқуқий режимини яратиш масалалари кенг ўрганилмоқда. Хусусан, электрон ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг асосий «рақамли» ҳуқуқларини назарий ва қонуний жиҳатдан таъминлаш, электрон савдо майдончаларининг турли кўринишлари фаолиятини тартибга солиш, виртуал активлар айланиши, интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш, электрон молия бозорларида пул ювиш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишнинг замонавий талабларини жорий этиш, шахсий маълумотларнинг махфийлигини ва ҳимоясини таъминлаш масалалари тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда қонунчилик ва ҳуқуқий назария АКТ, халқаро электрон айланманинг жадал суръатларда ривожланишидан ортда қолмоқда. Ҳуқуқий тузилмаларнинг мураккаблиги ва янгилиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона ёндашув йўқлигига олиб келди, бу эса бир қатор ҳуқуқий бўшлиқлар ва коллизияларни келтириб чиқарди. Электрон тижорат жараёнида шартномалар тузиш янги, номланмаган шартномалардан фойдаланишни талаб қилади. Ушбу муносабатларнинг қўшимча мураккаблиги уларнинг «хорижий элемент» иштироки билан боғлиқлиги ҳисобланиб, кўпинча тижорат битимлари иштирокчилари турли юрисдикцияларга тегишли бўлади. Шу сабабли, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси беш йил ичида энг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди<sup>4</sup>. Бу эса, ўз навбатида, рақамли иқтисодиётни асосий «драйвер» соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5

<sup>1</sup> <https://activate.com/outlook/2020/>

<sup>2</sup> <https://s.wsj.net/public/resources/documents/Activate%20Outlook%202021%20presentation.pdf>

<sup>3</sup> Agarwal Sulabh. Payments modernization: Playing the long game. 2020. 17 Nov. <https://www.accenture.com/us-en/insights/banking/payments-modernization-playing-long-game>.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси мақсадларидан бири сифатида (25-мақсад) белгиланишига хизмат қилди<sup>1</sup>.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги (2015), «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги (2004), «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги (2019) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018), «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2020) қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги (2020) Фармони ва ушбу соҳадаги бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланиши I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари»нинг устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари нисбатан кам ўрганилган. Мамлакатимизда бу турдаги ижтимоий муносабатлар ўзининг шаклланиш жараёнидадир. Шу билан боғлиқ ҳолда, ушбу масала бўйича миллий фуқаролик-ҳуқуқий илмий база ҳам ҳали тўғри шаклланган эмас.

Юртимиз цивилистларидан Х.А.Раҳманқулов<sup>2</sup>, О.Оқюлов, Р.Ж.Рўзиев, Б.Б.Самарходжаев<sup>3</sup>, М.Х.Баратов<sup>4</sup>, С.С.Гулямов, И.Р.Рустамбековларнинг<sup>5</sup> илмий ишларида тадбиркорлик фаолиятининг умумий масалалари ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг айрим жиҳатлари ўрганилган.

Электрон тижорат фаолиятининг айрим жиҳатларни ҳуқуқий таҳлил қилиш, жумладан, рақамли иқтисодиёт шароитида шартномавий ҳуқуқий

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони // <https://lex.uz/pdfs/5841063>

<sup>2</sup> Комментарий к Гражданскому кодексу Республики Узбекистан т. 1 (часть первая). Министерство юстиции Республики Узбекистан. – Т.: «Vektor-Press», 2010. – 768 с.

<sup>3</sup> Комментарий к Гражданскому кодексу Республики Узбекистан (часть 2). Профессиональные комментарии. т. 2. – Ташкент: Министерство юстиции Республики Узбекистан, SMI-ASIA, 2011. – 896 с.

<sup>4</sup> Рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва хусусий ҳуқуқ соҳасидаги тегишли йўналишлардаги қонунчиликни кодификациялаш, уларнинг самарадорлигини ошириш: илмий-тадқиқот дастури. –Тошкент: ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти, 2021. – 116 б.

<sup>5</sup> Гулямов С.С., Рустамбеков И.Р., Нарзиев О.С., Худайберганов А.Ш. Проект концепции Республики Узбекистан в области развития искусственного интеллекта на 2021-2030 годы // Юриспруденция. 2021. №1. – С.107-121.

муносабатлар Ш.Н.Рўзиназаров, Л.И.Ачилова<sup>1</sup>, Д.Р.Валеев<sup>2</sup>, А.Н.Якубовларнинг<sup>3</sup> илмий ишларида ўрганилган.

Электрон тижоратни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш муаммолари узок хорижий мамлакатлар олимлари томонидан жуда яхши тадқиқ этилган. Айниқса, J.F.Rayport, B.J.Jaworski, M.J.Ferrantino, E.E.Koten, Ch.Wesley, Sh.Ruofan, M.Gisler, K.Stanoevska-Slabeva, M.Greunz, Gaëtan Guerlin, B.Schmid, D.Burdett, K.Kelly, K.Johnsonлар<sup>4</sup> илмий ишларида назарий концепциялар электрон тижорат иштирокчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш масалаларида жиддий илмий қизиқиш уйғотмоқда.

Бундан ташқари, МДХ мамлакатлари олимларининг бир қатор илмий ишлари электрон тижорат фаолиятининг турли ҳуқуқий жиҳатларига, шунингдек электрон маълумотлар алмашинуви орқали битимлар тузишни ҳуқуқий тартибга солиш масалаларига бағишланган. Айниқса, А.Ананко, А.Абдужалилов, И.З.Аюшеева, В.Дриганов, Н.Дмитрик, О.С.Гринь, Н.Козинец, Н.В.Миненкова, Н.Соловяненко, А.В.Епифанцева, Л.Г.Эфимова, А.Н.Ивлева, Д.В.Чуб, И.М.Рассолов, А.В.Шамраев, А.А.Мичулис, Р.И.Дремлюгаларнинг изланишлари диққатга сазовор.

Юқоридаги муаллифларнинг асарларида электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солиш, дунёнинг ривожланган мамлакатларида уни амалга ошириш амалиётига оид қизиқарли қоида, назария ва ҳулосалар баён этилган. Бироқ ушбу адабиётларни батафсил таҳлил қилиш бу борада кўплаб ҳал қилинмаган масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилиб, «Ўзбекистон коллизия қонунчилигини такомиллаштириш ва кодификация қилиш муаммолари» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат юритишнинг ҳуқуқий муаммоларини таҳлил қилиш асосида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни рағбатлантириш ва электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқларини илғор халқаро стандартларга мувофиқ ҳимоя қилиш мақсадида ушбу соҳада миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

электрон тижоратнинг ҳуқуқий жиҳатларини фуқаролик-ҳуқуқий

---

<sup>1</sup> Рузиназаров Ш.Н., Ачилова Л.И. Электронные сделки и проблемы их применения в условиях цифрового гражданского оборота / Развитие общества / Развитие общества и науки в условиях цифровой экономики: Монография. – Петрозаводск, 2020. – 167 с.

<sup>2</sup> Валеев Д.Р., Яковенко А.А. Применение информационных технологий в деятельности корпораций: правовой аспект. – Т.: Институт философии и права им. И.М.Муминова АН РУз, 2007. – С. 104.

<sup>3</sup> Якубов А.Н. Совершенствование правового регулирования внешнеторговых отношений: Автореф... дисс.доктора философии по юрид.наукам. – Т., ТГЮУ, 2000. – 48 с.

<sup>4</sup> Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, электрон тижоратнинг таркибий элементларини аниқлаш;

кўриб чиқиладиган муносабатларнинг ҳуқуқий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда электрон тижорат, электрон савдо ва рақамли иқтисодиёт тушунчаларини таққослаш ва Ўзбекистон Республикасида ўрганиладиган институтни норматив белгилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

электрон тижорат айрим турларининг хусусиятларини тадқиқ этиш;

электрон тижоратни маҳаллий, минтақавий, хорижий ва халқаро тартибга солиш тизими ва у билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни комплекс таҳлил қилиш;

рақамли иқтисодиётга эга ривожланган давлатларнинг ҳуқуқий тизими ва тажрибасини ўрганиш асосида миллий қонунчиликка электрон тижорат билан боғлиқ илғор ҳуқуқий нормаларни жорий этишнинг энг мақбул йўллари ва механизмларини аниқлаш;

электрон тижоратда шартномалар тузиш ва ижро этиш хусусиятлари, иштирокчиларнинг ҳуқуқий мақоми ва электрон товар айланмасида иштирок этувчи объектларнинг асосий турларини ўрганиш;

электрон тижоратда фойдаланиладиган тўловларнинг асосий турларини таҳлил қилиш, электрон пулнинг ҳуқуқий хусусиятини ўрганиш ва ушбу соҳадаги норма ижодкорлиги фаолиятининг истиқболли йўналишларини аниқлаш;

электрон бозор фаолияти соҳасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш бўйича асосланган таклиф ҳамда тавсияларни ишлаб чиқиш;

электрон тижоратнинг асосий институтларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш бўйича ягона илмий-концептуал ёндашувни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объектини** Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ муносабатлар тизими ташкил этади.

Тадқиқ этиладиган муносабатларининг аниқ иқтисодий табиатига қарамасдан, диссертация тадқиқотининг асосий йўналиши ҳуқуқий тушунчалар ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий тузилмаларни таҳлил қилишга қаратилган.

**Тадқиқот предмети** электрон тижоратни ҳуқуқий таъминлаш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик нормалари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, шунингдек тадқиқ этиладиган мавзуга оид асосий ҳуқуқий тушунчалар, илмий-назарий тезислар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот давомида концептуал, тарихий-ҳуқуқий, муаммоли-мақсадли, тизимли, қиёсий-ҳуқуқий, мантикий, кузатиш, умумлаштириш, ижтимоий усуллар, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, статистик маълумотлар таҳлили ва илмий билишнинг бошқа усуллари билан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

электрон тижоратда электрон ҳужжатлар ва электрон хабарлар айланиши билан боғлиқ хизматлар кўрсатувчи юридик шахс ахборот воситачиси эканлиги асосланган;



электрон тижоратда шартнома электрон ҳужжат тарзида ва электрон хабар тарзида акцептни амалга ошириш йўли билан тузилиши мумкинлиги, шунингдек офертани юборган электрон тижорат иштирокчиси томонидан офертанинг акцепти олинган пайтдан эътиборан тузилган деб эътироф этилиши асослантилган;

ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан миждозларни масофадан аниқлаш тизимларини жорий этиш орқали масофавий банк хизматларини ривожлантириш воситаси бўлиб хизмат қилиши асослантилган;

товарлар ва хизматлар, битимлар тузиш уларнинг нархлари тўғрисидаги маълумотлар электрон тижорат платформаларига мажбурий тартибда жойлаштирилиши зарурлиги асослантилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

замонавий АТнинг умумий ҳуқуқий режими; электрон ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг «рақамли» ҳуқуқларини тартибга солувчи; электрон тижоратни юритишнинг замонавий ҳуқуқий стандартлари ва ихтисослаштирилган савдо майдончалари (биржалар, маркетплейслар, аукционлар) ва агрегаторлар жорий этувчи; виртуал активларнинг ҳуқуқий чегараларини ўрнатувчи, уларнинг иштирокида битимлар ва тўловларни амалга оширишни таъминловчи; «смарт-шартномалар» ва уларни молиявий бозорларда қўллаш механизмлари; виртуал маконда интеллектуал мулк институти ва унинг янги рақамли объектлари, шу жумладан NFTни аниқловчи; битимлар тузиш жараёнида сунъий интеллектни қўллаш чегараларини; иштирокчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва хавфсизлик масалалари, нарх-наволарга риоя қилиш ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш шартлари, ахборот ва контентга кириш имкониятини белгиловчи; электрон тижорат иштирокчилари манфаатларини ҳимоя қилиш ва низоларни ҳал этишнинг рақамли механизмлари қонунийлаштирувчи Рақамли иқтисодиёт кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш орқали рақамли иқтисодиёт соҳасида электрон тижоратни тартибга солиш ҳамда бошқа ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг янги норма ижодкорлиги парадигмасини яратиш зарурлиги асосланган;

янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонунини қабул қилиш орқали электрон тижорат соҳасидаги амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ва унда тартибга солинадиган институтларнинг концептуал апаратини янгилашга қаратилган нормаларни акс эттириш ҳамда электрон тижоратда шартномалар тузиш ҳамда ижро этиш тартиби, электрон тижоратда шартномаларнинг муҳим шартларини мустаҳкамлаш, томонларнинг электрон битимларда иродасини ифода этиш хусусиятлари билан боғлиқ нормаларни, ахборот воситачиларининг ҳуқуқий мақомини аниқлаш ва уларнинг масъулиятини чеклаш меъёрларини жорий этиш; электрон тижорат, шу жумладан электрон пул орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш қоидаларини белгилаш зарурати асослантилган;

электрон тижоратнинг профессионал иштирокчилари фойдаланиладиган ахборот тизимларида маблағларни депозит қилиш хизматини жорий этишлари мумкинлиги, бу маблағларни харидордан маълум бир битим бўйича қабул қилишни тасдиқлангунча, яъни ҳисоб-китоб қилиш фактига қадар тўлиқ депозитланган ҳажмда сақлаш мажбурияти ўзларига олишлари ҳақидаги таклиф асосланган;

миллий тўлов тизимлари орқали электрон пуллар билан ҳисоб-китоблар нақд пулсиз тўловларга тенглаштирилиши ва бундай тизимларда ҳисобга олиш бирлиги сифатида «электрон» сўм қонуний тўлов воситаси сифатида эътироф этилиши ва ёзиб қўйилган қиймати бўйича қабул қилиниши мажбурий бўлиши ҳақидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига киритиш зарурлиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари халқаро ва хорижий ҳуқуқ нормалари ва миллий қонунчилик ҳужжатлари, халқаро ташкилотларнинг материаллари, электрон тижоратнинг ривожланган инфратузилмаси мавжуд бўлган мамлакатларнинг ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиёти, шунингдек фуқаролик ҳуқуқи, бизнес ҳуқуқи ва халқаро хусусий ҳуқуқ соҳаларида қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар асосида баён этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда фойдаланилган манбаларнинг нуфузли халқаро илмий базалардан олинганлиги, тегишли статистик маълумотлар билан тасдиқланганлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, муаллиф электрон тижоратнинг турли иштирокчиларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича 15 йиллик меҳнат фаолияти давомида олинган материаллардан ҳам фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, мазкур тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар асосида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги, «Электрон тўловлар тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ID-4419 ва электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ муносабатлар билан боғлиқ қонуности ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида таклифлар ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, тадқиқот натижалари илмий-тадқиқот фаолиятида, илмий ва ўқув адабиётларини тайёрлашда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга шарҳ беришда, шунингдек «Фуқаролик ҳуқуқи», «Халқаро хусусий ҳуқуқ» модуллари бўйича маъруза ва семинар машғулотларини ўтказишда олий ўқув юр்தларининг ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Диссертация ишида ўрганилаётган муаммолар билан боғлиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти негизида амалга оширилган «Ахборот технологиялари ҳуқуқи» илмий гранти (2006–2009) доирасида муаллифнинг «Корпорациялар фаолиятида ахборот

технологияларидан фойдаланиш: ҳуқуқий жиҳат» монографияси (Д.Р.Валеев билан ҳаммуаллифликда) чоп этилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари ва истиқболлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

электрон тижоратда электрон ҳужжатлар ва электрон хабарлар айланиши билан боғлиқ хизматлар кўрсатувчи юридик шахс ахборот воситачиси эканлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 22 майдаги «Электрон тижорат тўғрисида»ги ЎРҚ-385-сон Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунининг 12-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 19 мартдаги 02/5-321-сон хати). Ушбу таклифнинг жорий этилиши ахборот воситачиларига алоқадор субъектларнинг тўлиқ рўйхатини яратиш ва ушбу тушунчани электрон тижоратдаги бошқа бизнес операторлардан ажратишга хизмат қилган;

электрон тижоратда шартнома электрон ҳужжат тарзида ва электрон хабар тарзида акцептни амалга ошириш йўли билан тузилиши мумкинлиги, шунингдек офертани юборган электрон тижорат иштирокчиси томонидан офертанинг акцепти олинган пайтдан эътиборан тузилган деб эътироф этилиши ҳақидаги таклиф «Электрон тижорат тўғрисида»ги ЎРҚ-385-сон Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунининг 15-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 19 мартдаги 02/5-321-сон хати). Ушбу таклифнинг жорий этилиши электрон битимлар тузилишининг ўзига хос хусусиятларини янада батафсилроқ аниқлаштиришга ва шу орқали низо юзага келганда иштирокчилар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган келишмовчиликларини бартараф этишга хизмат қилган;

ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан мижозларни масофадан аниқлаш тизимларини жорий этиш орқали масофавий банк хизматларини ривожлантириш воситаси бўлиб хизмат қилиши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-6079-сон Фармони 1-Иловаси 2.3-параграфини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 7 январдаги 32-8/670-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши бошқа соҳаларда ҳам (хусусан, нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қиладиган битимлар) қўлланилиши мумкин бўлган, илгари фойдаланилмаган жамият иқтисодий ҳаётининг сегментларида электрон тижорат технологияларини қўллаш имкониятини яратган ва битим бўйича томонни ўрнатишда истиқболли ёндашувни қўллаш намунаси бўлиб хизмат қилган;

товарлар ва хизматлар, битимлар тузиш, уларнинг нархлари тўғрисидаги маълумотлар электрон тижорат платформаларига мажбурий тартибда жойлаштирилиши зарурлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 ноябрдаги «Электрон тижорат маъмурчилигини

такомиллаштириш ва уни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш тўғрисида»ги ПҚ-14-сон Қарорининг 3-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 7 январдаги 32-8/670-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши дунё мамлакатларида кенг қўлланиладиган бундай ижобий тажрибадан электрон иктисодий муносабатлар иштирокчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фойдаланишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 11 та илмий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро ва 6 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарларда синовдан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, шу жумладан 9 та илмий мақола (2 таси хорижий нашрларда) чоп этилди.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўққиз параграфдан иборат учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 137 саҳифани ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Электрон тижорат фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатида**» деб номланган биринчи бобида электрон тижоратнинг концепцияси, келиб чиқиши, рақамли воқелик шароитида унинг тамойиллари ва хусусиятларини аниқлаш масалалари, соҳада қонунчиликни ривожлантириш тенденциялари ва Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий муаммолари, шунингдек электрон тижоратни тартибга солишнинг халқаро ва хорижий тажриба ҳамда уни миллий қонунчилик билан уйғунлаштириш истиқболлари таҳлил қилинади.

Диссертантнинг фикрига кўра, ҳуқуқий жиҳатдан электрон тижорат тушунчаси муайян давр мобайнида халқаро миқёсда ва миллий ҳуқуқий тизимларда мавжуд бўлишига қарамасдан, бир хил мазмунга эга эмас. Унинг мазмуни ва талқини катта фарқ қилади.

Муаллиф J.F.Rayport, B.J. Jaworski, M.J. Ferrantino, E.E. Koten, C. Wesley, Ю.Н. Жужома, А.В. Козин, И.Ю. Богдановский, А.В. Шумаев, А.А. Тедеев, А.В. Гладких, Н. Соловяненко, И.М. Рассолов, М.Ю. Джуманиязова, И.Р. Салиев каби олимларнинг электрон иқтисодий фаолият, электрон маълумотлар алмашинуви орқали тузиладиган савдо ва битимлар тушунчаси ҳақида қарашларини таҳлил қилади.

Ушбу боб доирасида тенг ҳуқуқлилиқ тамойиллари, индивидуллаштириш мажбурияти, операцияларнинг очиклиги ҳамда ишончилиги, ахборот алмашишнинг оқилона эркинлиги ва бошқа электрон тижорат тамойилларини таҳлил қилинади ҳамда шу асосда диссертант Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги доирасида электрон тижоратнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш ва акс эттириш зарурлиги тўғрисида хулоса чиқаради.

Диссертант Ўзбекистонда сўнгги йилларда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 28 апрелдаги «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 14 сентябрдаги «Шартномавий муносабатларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 17 ноябрдаги «Электрон тижорат маъмурчилигини такомиллаштириш ва уни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш тўғрисида»ги фармонлари ва қарорлари, шунингдек «Рақамли Ўзбекистон-2030» стратегияси каби муҳим ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини такидлайди.

Бироқ глобал даражада, шу жумладан, ICT Development Index, E-Government Development Index, CyberSecurity Global Index каби рейтингларда, сўнгги беш йил ичида сезиларли ютуқларга эришилганига қарамадан, мамлакатимиз ҳали ҳам нисбатан юқори бўлмаган ўринларни эгаллаб, электрон тижорат жиҳатидан ривожланган мамлакатлардан анча орқада эканлиги, ўрганилаётган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Диссертацияда халқаро, хорижий, миллий қонунчилик ва иш муомаласидаги амалиётлар таҳлил қилиниб, электрон тижорат соҳасида ижтимоий муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш учун амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги қайд этилган. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонунини янги, янада кенгроқ ва мазмунли таҳрирда қабул қилиш йўли билан қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги турли қоидаларни ягона ҳужжатда консолидациялаш зарурлиги асослаб берилади.

Диссертацияда электрон тижорат институтини тартибга солишда унификациялашган манбалар ҳисобланган асосий халқаро, минтақавий ҳужжатлар мазмуни таҳлил этилади. Бундан ташқари, Европа Иттифоқи ва узоқ хорижий мамлакатлар (АҚШ, Германия, Испания, Буюк Британия, Австралия, Канада, Корея Республикаси, Таиланд) ҳамда қўшни давлатлар

(Арманистон, Беларусь, Россия, Қозоғистон)нинг рақамли иқтисодий тартибга солиш, электрон тижорат ва электрон маълумотлар айланмаси масалалари бўйича илғор тажрибаси ўрганилади.

Диссертант халқаро ташкилотлар томонидан тузилган трансчегаравий электрон шартномаларни юридик кучи ва уларни тузиш, ижро этиш, бекор қилишнинг аҳамияти, электрон ҳужжат айланиши, трансчегаравий электрон тижоратни солиққа тортишни тан олиш, электрон тижоратни амалга оширишда интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни таъминлаш масалалари бўйича қабул қилинган ҳужжатларнинг ортиб бораётгани халқаро ҳамкорликнинг айрим давлатлар ички ҳуқуқий тизимларини уйғунлаштириш ва ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этаётганидан далолат беради, деган хулосага келади.

Диссертациянинг «**Электрон тижорат соҳасидаги муносабатларнинг фуқаролик-ҳуқуқий табиати**» деб номланган иккинчи бобида электрон тижоратда шартномаларнинг ҳуқуқий хусусиятлари, уларни тузиш тартиби ва турлари; электрон тижорат субъектларининг ҳуқуқий мақоми ва унинг иштирокчилари хавфсизлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари; шартнома муносабатлари объектлари сифатида виртуал активларнинг ҳуқуқий режими таҳлил қилинади.

Ахборот-телекоммуникация тармоқларининг виртуал маконида тижорат битимларини тузишнинг иқтисодий аҳамияти ва технологик янгилиги электрон ҳужжатларни алмашиш орқали хўжалик шартномаларини тузиш билан боғлиқ ҳуқуқий муаммоларни ўрганишнинг долзарблигини тақозо этиши қайд этилган.

Диссертацияда турли цивилист олимлар, жумладан M. Gisler, K. Stanoevska-Slabeva, M. Greunz Schmid, B.A. Hermanns, M. Sauter, G. Guerlin, Л.Г. Ефимовла, А. Абдуджалилова, Ю.П. Бурило, И.В. Костюк, А. Ананько, С.В. Воронина, Т.А. Филиппова, Е.О. Гладкова, И.С. Евдокимовла, О.С. Гринь, Н. Аллаярова, Н.А. Дмитрикларнинг электрон тижоратда битимларнинг хусусиятлари ҳақидаги фикрлари таҳлил қилинган.

Муаллиф электрон тижорат соҳасидаги шартномалар тоифаси мавжуд фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тизимига мос келиши ва қўшимча таъриф қўллаш талаб этилмаслиги ҳақидаги нуқтаи назар тўғри эканлигини таъкидлайди. Шу билан бирга, ушбу шартномаларг тузилиши ва бажарилишининг ўзига хос хусусиятларини эътироф этмаслик мумкин эмас. Интернетда электрон имзодан фойдаланиш битим тузишда ирода ифодасининг шакли сифатида бир вақтнинг ўзида ҳам ёзма, ҳам бирлаштирувчи аҳамият касб этиши, яъни исботлаш талаб этилганда электрон имзо билан электрон ҳужжат тасдиқлангани ва электрон маълумотлар алмашинувида мавжуд бўлган маълумотларга мурожаат қилиш имкониятини тақдим қилинишига урғу беради.

Диссертантнинг таъкидлашича, тадқиқот ва илмий адабиётларда электрон битимларнинг асосий ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Хусусан, электрон шартноманинг тузиш жойини аниқлаштириш; шартнома тузиш фактининг исботи, шартномада келтирилган маълумотларнинг сақланиши

ва ўзгармаслиги; шартномада кўрсатилган маълумотларнинг махфийлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Тадқиқотчи электрон муносабатлар соҳасидаги муносабатларнинг субъектив таркиби ва ушбу асосда унинг турлари квалификациясини таҳлил қилиш орқали унинг ўзига хос хусусиятларни очиқ беради, электрон тижорат иштирокчиларининг бундай махсус тоифасини ахборот воситачилари сифатида батафсил ўрганишга эътибор қаратади. Таъкидланишича, мазкур шахслар потенциал қийматга эга маълумотни юборади, олади ёки сақлайди, электрон шартномаларни тузишга (бажарилишига) ёрдам беради, шунингдек бошқа тегишли хизматларни тақдим этади, масалан, электрон маълумотлар алмашинувини ташкил қилади.

Диссертация ишида муаллиф сунъий интеллект (СИ) каби ҳодисага ҳамда электрон тижорат масалаларида унинг ҳуқуқ субъекти сифатидаги мақомига алоҳида тўхталиб ўтади. Диссертант СИнинг ўзи фуқаролик ҳуқуқининг субъекти бўлиши мумкин эмас, балки у фақат ҳуқуқий муносабатларнинг бир тури сифатида қаралиши мумкин, деган хулосага келади. Шунга кўра, СИнинг ҳаракатлари натижасида келиб чиққан ҳуқуқий оқибатлар учун унинг мулкдорлари ва/ёки операторлари жавобгар бўлишади.

Муаллиф цивилист олимлар (А.А. Исманжанов, И.З. Аюшеева, Р.И. Дремлуга, Д.С. Лебедева, А.О. Яценко, Д.М. Караходжаевалар) фикрлари, шунингдек виртуал объектларнинг ҳуқуқий табиатини аниқлаш каби мунозарали масалалар бўйича илғор мамлакатларнинг (АҚШ, Швейцария, БААнинг) норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилади.

Диссертант илмий адабиётда мавжуд бўлган позицияни, яъни виртуал муносабатларига нисбатан фактик дунёда муносабатларини тартибга солишда ишлатиладиган нормаларни қўллаш мумкин эмаслигини танқид қилади. Диссертацияда бундай ёндашув заиф асосга эгаллиги, бундай объектлар «танасиз» образда бўлишига қарамай, ўзаро субъектларнинг хавфсизлиги нуқтаи назаридан ва технологик таркибни қўллаб-қувватлаш мақсадида улар ҳуқуқий тартибга солиш дорасида бўлиши кераклиги, чунки расмий товар айланмасида қатнашмайдиган объектлар кейинчалик «қувғин» қилиниши ва уларни қўллаш тақиқланиши мумкин.

Муаллифнинг фикрига кўра, замонавий технологияларнинг тўлиқ потенциали, хусусан блокчейнни ҳисобга олган ҳолда, глобал даражадаги қонун чиқарувчиларнинг ягона ҳақиқий стратегияси виртуал активларнинг йўналишини янада ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга қаратилиши зарур.

Диссертациянинг «**Электрон тижоратда тўловларни амалга оширишни фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш**» деб номланган учинчи бобида электрон тижоратда тўловларнинг амалга оширишнинг тартиби ва усуллари; электрон пул ва крипто-валютанинг ҳуқуқий табиати, улар билан тўловларни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган; электрон тижоратда тўловларни амалга оширишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш истиқболлари ёритиб берилган.

Ушбу боб доирасида асосий эътибор электрон тўловларнинг табиатига қаратилади. Диссертантнинг таъкидлашича, нақд пул кўриниши шаклидаги тўловларининг қисқариши кузатилмоқда. Ривожланган мамлакатларда (Жанубий Корея, Швеция, Буюк Британияда) электрон тўлов шаклларида фойдаланиш кўрсаткичи юқоридир. COVID-19 пандемияси шароитида рақамли тўловлар бозорининг ўсишига олиб келди ва бугунги кунда қулай рақамли тўлов инфратузилмасидан фойдаланмасдан тижорат фаолиятини амалга ошириш мумкин эмас. Шу сабабли, муаллифнинг фикрига кўра, электрон тижоратда тўлов воситаларини ҳуқуқий таъминлаш муҳим стратегик вазифа ҳисобланади.

Турли тўлов воситаларининг табиати билан боғлиқ изланишларни ўрганиб чиқиб (А. Sulabh, P. Usher, C.L. Mann, S.E. Eckert, S.C. Knight, D. Tighe, F. Miller, A. Harrell, R. Tachi, T. Claburn, М.А. Коростелева, О.М. Марковой, А.А. Ситника, В.С. Белых, М.А. Егорова, В.К. Шайдуллина, Г. Головенчик, Е.Н. Тимченко, А.Н. Захарова, Ю.А. Старова, Б. Бобохужаева, Н. Носирова, С.Овсейко) диссертант турли хил замонавий тўловлар ва уларнинг асосий турларининг ҳуқуқий жиҳатлари таҳлилига тўхталиб ўтади.

Муаллиф нақд пулсиз тўловларнинг ҳуқуқий табиатини аниқлаш бўйича цивилист олимларининг турли позицияларини (ашёвий-ҳуқуқий ва мажбурият-ҳуқуқий) батафсил ўрганишга эътибор қаратади.

Тадқиқот жараёнида диссертант электрон пуллар табиатининг ички қарама-қаршилигининг маълум бир парадоксига эътибор беради: бир томондан – бу тўлов воситаси; бошқа томондан – мажбурият, яъни у пуллар воситасида (электрон бўлмаган шаклда) бажарилиши керак.

Электрон тўловларнинг турлича кўринишлари соҳасидаги қонунчиликни батафсил таҳлил қилиш орқали, диссертант томонидан электрон пуллар эмиссияси фақат молиявий институтлар томонидан амалга оширилиши бўйичи етарлича мослашувчан бўлмаган миллий қонун чиқарувчининг позицияси аниқланди. Диссертант бундай ҳолат сезиларли чекловларни келтириб чиқариши ва бундай фаолият билан шуғулланадиган шахсларнинг доирасини қисқартириш зарурлиги, чунки мазкур жараёнларнинг табиати, банк муассасаларининг иш даражасига ўхшаш бўлгани сабабли, уларда йўналишсиз имкониятлар ва иқтисодий фойда йўқлигини таъкидлайди.

Диссертант қонун чиқарувчининг асосий камчиликларидан бири – бу тўловчининг электрон пулдан фойдаланган ҳолда тўловни амалга ошириши тўловчининг пулни қабул қилувчига нисбатан пул мажбурияти бекор бўлиши учун асос бўлиши мумкинми деган саволга шаффоф бўлмаган позициясида ақс этганлигини қайд этади. Диссертант мазкур жараёнда ушбу масала бўйича амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича бир қатор таклифларни ҳамда норасмий тўлов воситалари айланмаси бўйича қонунчилик нормаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигида уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш зарурлигини асослайди.



## ХУЛОСА

«Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари ва истиқболлари» мавзусида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келинди, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш оид тавсиялар берилди:

1. XXI аср бошларидан эътиборан АТнинг жадал ривожланиши, махсус ахборот муҳити – Интернетда ривожланаётган янги ижтимоий муносабатларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда Ўзбекистонда умуман Интернетда иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик, шунингдек ЭТ бўйича ҳам махсус қонунчилик тармоғи мавжуд эмас.

Амалдаги қонунчилик, фуқаролик ҳуқуқининг умумий нормаларига қарамасдан, Интернетдаги муносабатларни тартибга солиш соҳасида ҳали ҳам ривожланишнинг дастлабки босқичидамиз. Қонунчиликни тартибга солиш уни қўллаш амалиётидан анча орқада қолмоқда, бу эса жиддий илмий тадқиқотларга сабаб бўладиган назарий ва амалий муаммоларни келтириб чиқаради.

2. Ушбу соҳадаги турли нуқтаи назарларни таҳлил қилиш ўрганилаётган муносабатларни тартибга солиш бўйича диаметрал ёндашувлар мавжудлигини кўрсатди. Бунда норматив ҳужжатлар даражасида Интернет тармоғидаги барча муносабатларни тўлиқ тартибга солишдан бошлаб барча иштирокчиларнинг ҳаракатларининг тўлиқ эркинлигигача («қонундан ташқари муҳит») назарда тутилмоқда.

Биз интернет-иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг тубдан янги тамойилларини ишлаб чиқишга зарурат йўқлигини таъкидлаймиз. Уларни ривожланаётган институтларни мослаштириш ва мавжуд фуқаролик-ҳуқуқий парадигмага «локализация қилиш» муҳимдир.

3. ЭТ электрон ахборот алмашинуви орқали фуқаролик-ҳуқуқий битимлар ва ташкилий битимларни мунтазам равишда тузиладиган товарларни сотиш бўйича тадбиркорлик фаолияти амалга ошириладиган ижтимоий муносабатлар соҳаси бўлиб хизмат қилади.

Мазкур ёндашув амалдаги қонунчиликда акс эттирилиши керак, хусусан, **Ўзбекистон Республикаси «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасига** ўзгартириш киритиб ва қуйидаги таҳрирда баён этиш зарур: «электрон тижорат деганда, ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда масофадан тузиладиган ҳамда нотариал ва давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар тузиш ва ижро этишга йўналтирилган фаолият, шу жумладан касбий фаолият тушунилади».

4. ЭТнинг махсус принциплари ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, ЭТ соҳасида битимлар тузиш усули ва механизми орқали аниқланади. Шу боис, бугунги кунда халқаро амалиётда шаклланган асосий принципларнинг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Электрон тижорат тўғрисида» ги Қонунида ўз ифодасини топиши муҳим ҳисобланади. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Электрон тижорат

тўғрисида»ги Қонунини қуйидаги принципларни ўз ичига олган **3<sup>1</sup>-модда** – «**Электрон тижоратнинг принциплари**» билан тўлдириш зарур:

«– тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг эркинлиги;  
– шартномалар тузишнинг ихтиёрийлиги;  
– ЭТ иштирокчиларининг тенглиги, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўлиқ ҳимоя қилиниши;  
– ахборот хавфсизлигини таъминлаш;  
– ЭТдаги жараёнларнинг шаффофлиги ва хавфсизлиги;  
– ўз-ўзини тартибга солиш билан ЭТ қонунчилигининг биргаликда қўлланилиши».

5. Электрон тижорат хусусий-ҳуқуқий характердаги иқтисодий фаолият бўлиб, ўзининг аҳамияти, ЭК иштирокчиларининг фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш, фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш (криптография, молиявий хизматлар, телекоммуникация соҳасидаги хизматлар ва шу кабилар). ЭТ операцияларининг ҳимояси, ишончлилиги ҳамда хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни қабул қилиш омиллар мавжудлиги сабабли оммавий-ҳуқуқий тартибга солинади. Шунинг учун, ЭТ фуқаролик-ҳуқуқий институти, ижтимоий муносабатларни хусусий-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган ЭТнинг комплекс ҳуқуқий институтнинг бир қисми сифатида асосланади.

6. Шартномаларни тузиш ва ижро этишнинг махсус шакли сифатида ЭТни тан олган ҳолда, биз ушбу ҳаракатлар АТ орқали амалга оширилади, деган хулосага келинди. Бироқ бу муносабатларнинг турига (сотиб олиш ва сотиш, етказиб бериш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш) қараб, тегишли қоидалар билан тартибга солинадиган битимларнинг ҳуқуқий табиати ўзгармайди.

